



ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

10/S-son (4-jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/10 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллӣ Университети.

Сайдов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ҳодим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳоновиҷ – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёрова – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасолович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети; Норматов Бекзод Ақром ўғли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, Тошкент давлат юридик университети.

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұхәйё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири; Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети; Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети; Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

#### **Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### **Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

*Norbekov Ahmadjon Norbekovich*

XX-ASRNING BIRINCHI YARMIDA O'ZBEKISTONNING SIYOSIY -IJTIMOIY VA IQTISODIY HOLATI ..... 11-18

*Eliboyev Ozodjon Po'lat o'g'li*

BAQTRIYANING KUSHONIYLAR DAVRI SHAHARSOZLIGI VA ME'MORCHILIGI ..... 19-23

*Нуритдинова Нодира Сирожсона*

XX-ACP БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (СЕНАТОР К.К. ПАЛЕН ТАФТИШ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА) ..... 24-28

*Чориев Шоҳруҳ Ҳолтура ўғли*

ЎРТА ОСИЁ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САРОЙ АРХИТЕКТУРАСИ ИЖТИМОИЙ СТРАТИФИКАЦИЯНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА ..... 29-38

*Жумаева Шоира Бердияровна*

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ЎРНИ ..... 39-43

*Jo'rayev Muxriddin Xasanovich*

MOVAROUNNAHRLIK MUHADDISLARNING ILMIY SAFARLARI VA SAFAR YO'LLARI GEOGRAFIYASI ..... 44-51

*Муқимова Рисолат Рустамжон қизи*

ЗИЁРАТ МАРОСИМЛАРИДА ТАБИАТ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР ..... 52-56

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

*Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич*

ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ТҮЛОВ ҚОБИЛИЯТИ БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ ИЛМИЙ – МЕТОДОЛОГИК ЁНДОШУВИ ..... 57-69

*Baxriddinova Yulduz Baxriddinovna*

MINTAQALARDA FARMATSEVTIKA SANOATINI RIVOJLANTIRISHNING ZARURIYATI ..... 70-75

*Matkarimov Inomjon Baxtiyorovich*

QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRISHDA AGROBIOKIMYO XIZMATLARINI TAKOMILLASHTIRISHNING OBYEKТИV ZARURATI ..... 76-86

*Ибадуллаев Дилшад Ибрагимович*

ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ ..... 87-92

*Исламутдинова Дина Файзрахмановна*

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ..... 93-102

*Qobiljon Isaev*

O'ZBEKISTONNING JAHON SAVDO TASHKILOTIGA (JST) A'ZO BO'LISHINI IQTISODIY BAHOLASH ..... 103-110

**09.00.00 – FALSAFA FANLARI***Xaitov Elmurod Bekmurodovich*

O'ZBEKISTONDA "AHOLI HAYOT SIFATI"GA ASOSIY YONDOSHUVLAR: MUAMMO VA  
YECHIMLAR (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL) ..... 111-116

*Rasulov Zojiddin Usarovich*

СПОРТ ЭСТЕТИКАСИ: РИТМ, ҲАРАКАТ ВА МАДАНИЯТНИНГ УЙФУНЛИГИ ..... 117-122

*Tavmuрадов Жамшид Элмурадович*

АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ: ФАЛСАФА ВА АДАБИЙ МЕРОС ..... 123-128

*Davronov Otabek Ulug'bek o'g'li*

YUSUF QORABOG'ИY SHAXSIYATI VA FALSAFIY-ILMIY MEROJI ..... 129-132

*Muxtorova To'tixon Solijonovna*

FALSAFA FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR: METODLAR  
VA AMALIYOTLAR ..... 133-137

*Akramov G'iyosiddin Najmiddinovich*

MARGINALLASHUV TUSHUNCHASINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI ..... 138-142

*Ahmedova Dilrabo*

DINIY BAG'RIKENGLIKNING YOSHLAR IJTIMOIY, MA'NAVIY QIYOFASI SHAKLLANISHIDAGI  
IJTIMOIY POTENSIALI ..... 143-150

**11.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI***Abdunabiyev Sunnat Botirovich*

IBN BATTUTANING «SAYOHATNOMA» ASARIDA TARIXIY SHAXSLAR NOMINING TARJIMADA  
BERILISHI ..... 151-159

*Seytnazarova Injayim*

ADABIYOTSHUNOSLIK SOHASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN  
FOYDALANISH TAHLILI ..... 160-168

*Tukhtakhodjaeva Zulfiya*

PHRASEOLOGY AS A SUBSYSTEM OF THE ENGLISH VOCABULARY ..... 169-174

*Abdusalamov Doniyor Togayali oglı*

REFLECTION OF THE CONCEPT OF «POLITENESS» IN THE PHRASEOLOGICAL AND  
PAREMIOLOGICAL RESERVOIRS OF THE COMPARED LANGUAGES ..... 175-179

*Axmedov Anvar Botirovich*

TILNING NOMINATSIYA TIZIMIDA O'ZLASHMA SO'ZLAR ..... 180-184

*Aminov Farrukh Komiljon Ugli*

THE EVOLUTION OF MEDIA DISCOURSE: FROM TRADITIONAL FORMS TO MULTIMODAL  
REPRESENTATIONS IN DIGITAL SPACES ..... 185-193

*Sharipov Bobur Salimovich*

RETSIPROKLI SEMANTIK DERIVATSIYA ..... 194-201

*Abduganiyeva Zebuniso Abduhafizovna*

ILMIY DISKURSNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ..... 202-205

*Samatov Farxod Muminovich*

O'ZBEK VA INGLIZ TILIDA "TV" SEMANTIK MAYDONI LEKSIK BIRIKLARINING SO'Z YASALISH XUSUSIYATLARI (ABBREVIATURALAR MISOLIDA) ..... 206-210

*Kendjayeva Zemfira*

METAFORIK POLISEMIYANING LINGVISTIK YUMORI..... 211-216

*Abdullayeva Nilufar Ramazonovna, Uzoqova Durdona Baxtiyor qizi*

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA «HID», « IS» KONSEPTINING SEMANTIK TAHLILI ..... 217-221

*Saydullayeva Dilrabo Ilxom qizi*

ALISHER NAVOIYNING “NASOYIM UL-MUHABBAT” TAZKIRASI VA SULAMIYNING “TABAQOT US-SUFIYA” ASARLARI O'RTASIDAGI MUSHTARAKLIKALAR ..... 222-226

*Шарапова Лола Станиславовна*

ИЛЛЮЗИЯ И РЕАЛЬНОСТЬ В КОНТЕКСТЕ МАГИЧЕСКОГО РЕАЛИЗМА..... 227-232

*Ҳакимова Мастура Файзиллаевна*

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҶОЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ДУНЁ ТАСВИРИНИ АКС ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЛЕКСИК МАҲНОНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (КЕНГАЙИШИ) ..... 233-239

*Mo'soyeva Hayitgul O'rroqovna*

“HEART” – “YURAK” SO'ZLI METAFORALARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI KOGNITIV TAHLILI ..... 240-245

*Mamataliyeva Navbahor Xujamberdiyevna*

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TEZ AYTISHLARNING STRUKTURAVIY TAHLILI ..... 246-250

*Багаутдинова Ильмира Салаватовна*

ВЛИЯНИЕ РОДНОГО ЯЗЫКА НА ПРОИЗНОШЕНИЕ В ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ ..... 251-255

## **12.00.00 – YURIDIK FANLAR**

*Nuraliyev Oyatillo Abduvaliyevich*

EFFECTIVE PRACTICES FOR DRAWING YOUNG TALENT TO UZBEKISTAN'S PUBLIC CIVIL SERVICE ..... 256-268

*Алиев Асилбек Кадирович*

ВОПРОСЫ ОТГРАНИЧЕНИЯ МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ И ГРУППОВОГО ХУЛИГАНСТВА ..... 269-275

*Hong Weixing*

INTERNATIONAL LAW AS THE FOUNDATION FOR THE DEVELOPMENT OF TRADE AND ECONOMIC RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA ..... 276-284

*Султанова Сабоҳат Алишеровна*

ПЕРСПЕКТИВЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ОЦЕНКИ РЕГУЛЯТОРНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ..... 285-290

*Jonuzoqova Yulduz Izzatulla qizi*

O'ZBEKİSTONNING AXBOROT TEXNOLOGİYALARI SOHASIDAGI TRANSMILLİY JINOYATLARGA QARSHI KURASH MASALALARI ..... 291-298

*Абдусамиева Дилрабо Абдувахоб кизи*

ПРЕВЕНТИВНАЯ ФУНКЦИЯ ПОСТПЕНИЕНЦИАРНОЙ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ ..... 299-304

*Khalikov Khayot*

THE ROLE OF MODEL UNITED NATIONS IN SHAPING GLOBAL LEADERS AND LAWYERS: A CASE STUDY ON UZBEKISTAN'S YOUTH ..... 305-311

*Даулетова Динара Даулетовна*

ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ ХИЩЕНИЮ ЧУЖОГО ИМУЩЕСТВА .. 312-317

## 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

*Tolipov Bahtiyёр Hamitovich*

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ВОСИТАЛАРИ ..... 318-324

*Sobirova Gulibarno Zainitdin қизи*

ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ НА УРОКАХ  
РУССКОГО ЯЗЫКА ..... 325-335

*Xolmatova Ziroatxon Anvarovna*

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TASHXISLASH KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA  
INNOVATSION-METODOLOGIK YONDASHUVLAR ..... 336-339

*Abduxoliqov Sardor Safarovich*

YOSH DZYUDOCHILARNI JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA HARAKATLI  
O'YINLARNING O'RNI ..... 340-344

*Usmonova Mohizoda Avazjon qizi*

GLOBOL TA'LIM MUHITIDA TALABALARNING MULOQOT MADANIYATINI INTEGRATIV  
YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISH TIZIMI ..... 345-348

*Xodjiyeva Zumrad*

MEZONLARGA ASOSLANGAN BAHOLANISHNING CHEKLANGAN DOIRASI ..... 349-352

*Turdiyev Ismoil Allayorovich*

OLIY TA'LIM HAYOTIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI  
HAQIDA ..... 353-358

*Ibadullaev G'ayrat Akmuradovich*

BO'LAJAK FIZIKA-ASTRONOMIYA O'QITUVCHILARINING KOMPETENTLIGINI  
RIVOJLANTIRISH METODLARI ..... 359-364

*Ishonkulov Sherali Sharifovich*

TALABALARNING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANISHIDA TURMUSH TARZINI  
DASTURLARDAN FOYDALANISH ..... 365-372

*Raxmatov Rafik G'ayratovich*

IMKONIYATI ChEKLANGAN O'QUVCHILAR RIVOJLANISHIDA TURMUSH TARZINI  
SOG'LOMLASHTIRISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK  
IMKONIYATLARI ..... 373-378

*Xalmuratova Shaxnoza Bekmurzaevna*

BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINING RISKOLOGIK MADANIYATINI  
SHAKLLANTIRISH TAMOYILLARI ..... 379-383

*Meliboyeva Nodira Qaxramanjanovna*

MIRSODIQ TOJIYEV MEROSI (CHANG UCHUN YARATGAN ASARLARI MISOLIDA) ..... 384-387

*Qodirov Mirjalol Tolmasovich*

TA'LIMDA GIPERMATNLI AXBOROT MODELLARINI QURISHNING ZAMONAVIY  
TEXNOLOGIYALARI VA ASPEKTLARI ..... 388-392

*Karimova Aziza*

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI SCAMPER TEXNIKASI ORQALI BOLALARNING KREATIV  
TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHGA O'RGATISH METODIKASI ..... 393-399

*Nishonov Nodir Alimjanovich*BO`LAJAK O`QITUVCHILARDA FUTUROLOGIK TAHLIL QILISH KO`NIKMALARINI  
RIVOJLANTIRISHNING MUHIM ASPEKTLARI ..... 400-404*Xidirova Durdona Muxtorovna*SINERGETIK YONDASHUV ASOSIDA O`QUVCHI QIZLARNI IJTIMOIY MADANIY  
MUNOSABATLARGA TAYYORLASH MEXANIZMLARI ..... 405-408

**Received:** 10 December 2024**Accepted:** 15 December 2024**Published:** 25 December 2024*Article / Original Paper***LIFE PATH OF ABDULKADIR BEDIL: PHILOSOPHY AND LITERARY HERITAGE****Tavmuradov Jamshid Elmuradovich**

Independent researcher, University of Economics and Pedagogy

**Abstract.** The article examines the philosophical views and literary style of Abdulkadir Bedil, a great poet, writer and thinker whose work had a great influence on the development of Persian literature and philosophical thought. His life, philosophical concepts, the influence of religious and educational traditions, and his role in the development of mystical literature are considered. The main works of Bedil, such as "Tilismi hayrat", "Muhiti A'zam", "Turi Marifat", which synthesized the ideas of Islam, Indian philosophy and ancient thought and showed his unique worldview, are analysed. Particular attention is paid to the concept of "sukhan" as a symbol of Bedil's spiritual and intellectual studies.

**Keywords:** Bedil, fors adabiyoti, falsafasi, tasavvuf, ma'rifat, "sukhan", hind falsafasi.**АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ: ФАЛСАФА ВА АДАБИЙ МЕРОС****Тавмурадов Жамшид Элмурадович**

Мустақил тадқиқотчи, Иқтисодиёт ва педагогика университети

**Аннотация.** Мақолада буюк шоир, ёзувчи ва мутафаккир, ижоди форс адабиёти ва фалсафий тафаккури ривожига катта таъсир кўрсатган Абдулқодир Бедилнинг фалсафий қарашлари ва адабий услуби кўриб чиқилган. Унинг ҳаёти, фалсафий тушунчалари, диний-маърифий анъаналарнинг таъсири, тасаввufий адабиёт ривожидаги ўрни кўриб чиқилади. Бедилнинг ислом, ҳинд фалсафаси ва антик тафаккур ғояларини синтез қилиб, ўзига хос дунёқарашини намоён этган “Тилисми ҳайрат”, “Муҳити а’зам”, “Тури маърифат” каби асосий асарлари таҳлил қилинади. Бедилнинг маънавий-интеллектуал изланишлари тимсоли сифатида “сухан” тушунчасига алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** Бедил, форс адабиёти, фалсафа, тасаввuf, маърифат, “сухан”, ҳинд фалсафаси.DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI10Y2024N13.1>

**Кириш.** Бедилнинг фалсафий қарашлари ва адабий услуби ўз замонасида алоҳида аҳамият касб этиб, у инсон маънавияти ва онглилика алоҳида эътибор қаратиш орқали адабиётда маърифатчилик руҳини шакллантирган. Унинг ижодий мероси шунчалик бой ва чуқурки, у ҳозирги кунгача илмий тадқиқот ва таҳлиллар учун муҳим манба сифатида хизмат қилиб келмоқда. Бедилнинг ҳаёти, ижоди ва фалсафий қарашлари турли миллатлар ва маданиятлар учун умумий аҳамиятга эга бўлган маънавий бойлиқdir.

Абдулқодир Бедил, буюк шоир, ёзувчи ва файласуф сифатида жаҳон миқёсида машҳурликка эришган. У Ҳинд заминида форсий илму адабиёт машъалини янада ёруғ қилди. Кейинги асрларда унинг замондошлари унга “Абулмаонӣ”, яъни “Маънолар отаси” деган шарафли унвонни муносиб кўрганлар. Бедил ўз ижодиётида Рудакийдан то Жомийгача бўлган форс-тожик шоирларининг адабий санъати ва бадиий

ижодиётининг мұхим қисмларини таҳлил қылган. Шунингдек, Саноий, Аттор, Жалолиддин Румий ва Ибн Арабийнинг адабий ҳамда фалсафий қарашларини чуқур тадқиқ этган. Эроннинг қадимги фалсафаси, Юнон, Ҳинд илмлари унинг адабий-фалсафий фикрлари ривожига асос бўлган, бу эса ўтмишдаги меросни ўзлаштириш орқали унинг фалсафий қарашларини мустаҳкамлади.

**Мавзууга оид адабиётларнинг таҳлили.** Бедилнинг аждодлари Самарқанд атрофидан бўлиб, улар ўз ватанини ташлаб, Сафавийларининг хунрезликлари даврида Ҳинди斯顿га келган. Бедилнинг ота-боболари Сепаҳлардан бўлиб, Садриддин Айний Бедил ва унинг яқинлари номига “мирза” сўзининг қўшилганлигини унинг аждодларидан бири буюк саркарда бўлганига далил деб билган [1].

Бедилнинг тили форс эканлигини унинг ўзи айтиб ўтган. У Азимобод шаҳрида туғилган, болалигида отасидан айрилган. У саводли онаси тарбиясида бўлиб, 5-6 ёшида мактабга борган. 7 ёшида Куръонни ёд олиб, 10 ёшигача араб грамматикаси, форс шеърияти ва наслига оид асарларини ўқиши билан шуғулланган. Отаси вафотидан сўнг Бедилнинг тарбиясини амакиси Мирзо Қаландар ўз зиммасига олди. Амакисининг таъсири билан у мадрасани тарк этди, чунки Мирзо Қаландарнинг фикрича, мадрасадаги таълим фақат дин билан чегараланиб, ҳақиқий истеъдод ривожланишига тўсқинлик қиласарди. Бедил мустақил равишда ўқиб-ўрганишга киришди. Тасаввухни шайх Камолдан [2], тафсир ва ҳадис ҳамда араб адабиётини эса тоғаси Мирзо Зарифдан ўрганди.

Бедилнинг фикрлари шаклланишида Мирзо Қаландарнинг қарашлари мұхим ўрин тутган. Унинг мажлисларида турли дин ва ақида вакиллари, донишмандлар қатнашган бўлиб, Бедил уларни ўзининг маънавий устозлари деб билган. Бедилнинг адабий ва фалсафий қарашлари исломий ҳамда ҳинд манбалари таъсирида шаклланган.

12-16 ёшлари оралиғида Бедил илоҳиётнинг илм ва турли диний тариқатлардан таъсиrlаниб, бу соҳаларга қизиқиши кучайтирган. 17 ёшида у тоғаси Мирзо Зариф билан Ҳинди斯顿нинг жанубидаги Удеса ўлкасига сафар қилиб, машхур олим Шоҳ Қосими Ҳуваллоҳ билан танишган ва унинг хузурида уч йил давомида билимларини мукаммаллаштирган. Шу даврдан бошлаб у шеър ёзишни бошлаган. Бу вақтда Мирзо Қаландар ва Мирзо Зарифлар кетма-кет вафот этишган.

Бедил 21 ёшида мустақил ҳаёт йўлига қадам қўйиб, Дехлига йўл олди ва у ерда ҳинд миллатидан бўлган Шоҳ Кобул номли маъжзуб билан танишди [3]. Шунингдек, унинг тариқати бўлган маъжзубиятга қизиқиш билдириди.

Шоҳ Кобулийнинг гипноз (сехр илми) ва соҳирлик амалиёти психология соҳасидаги тажрибалари Бедилни ҳайратга солган. Унинг бир неча бор “руҳий синов” дан ўтгани шоир файласуфни бу илм сирларини ўрганишга ундалган. Бедил сехр илми унсурларидан ижодий ишларида фойдаланган бўлса-да, Шоҳ Кобулийнинг асосий қарашларини “туш олами” деб баҳолаган [4] ва ўзининг “онглилик” ка асосланган фалсафий тушунчаларини унга қарши қўйган.

25 ёшида Бедил уйланиб, оиласини таъминлаш учун бир муддат отасининг касби бўлган ҳарбийликни Аъзамшоҳ саройида давом эттирган. Бироқ шоҳга боғлиқлик Бедилнинг озод ва маънавиятга интигувчи табиатига мос келмаган. Унинг ижоди ҳақида шоҳ маълум қилингач, шоҳ Бедилдан ўзи ҳақида қасида ёзишни сўраган. Бедил бу талабни рад этиб, шоҳ хизматида ишлашдан воз кечган.

Ҳарбийликдан кетгач, Бедил Ақбаробод (Агра) шаҳрига йўл олган. У ерда адабий мажлисларда қатнашиб, Зухурий, Иззат каби шоирлар ва олимлар билан танишган, шунингдек, шеъриятга қизиқувчи ҳоким Мири Комгор билан дўстлашган. Бу давр Бедилнинг фикрий ривожланишида янги босқични бошлаб берган. У ҳинд ва ислом манбаларидан олган билимларини ақл мезонида қайта таҳлил қилиб, дунёга янги қараш билан ёндашган. Аммо унинг ақидавий қарашлари бошқа адабий ва илмий муҳитда зиддиятларга сабаб бўлиб, Бедил Ақбарободда узоқ туролмаган ва Дехлига қайтган.

Бироқ Дехли ҳам осойишта жой эмас эди. Аврангзебнинг ҳукмронлиги даврида пойтахтда сиёсий ҳолат кескинлашган. Бедил дўстларининг маслаҳатига кўра, мураккаб вазиятдан ҳимоя сифатида Лоҳурга йўл олган. Унинг бу даврдаги “мажзуублик” ҳолати давр мушкулотларидан муҳофаза учун бир ниқоб вазифасини бажарган [5].

**Тадқиқот методологияси.** Бу сафар давомида Бедил замонасининг машҳур олим ва шоирларидан бири Шукруллохон Наввоб билан учрашиб, унга анча яқинлашган. Шукруллохоннинг кўмаги билан Бедил Лоҳур, Кашмир, Мультон, Сарҳинд каби шаҳарларни кезиб, мусулмон ва ҳинд олимлари, шоирлари ҳамда донишмандлари билан илмий ва адабий сұхбатлар ўтказган. Бу сұхбатлар Бедил учун янги мактаб вазифасини бажариб, унинг ижодий ва фалсафий дунёқарашига уйғун келган.

Лоҳурда у Шукруллохон китобхонасида сақланган, Дорошуқўҳ даврида форсийга таржима қилинган ҳинднинг машҳур фалсафий асарлари – “Упанишада” ва “Махабҳарата” кабиларни ўрганган [6]. Бедилнинг ҳаёти 1696 йилгача Ҳинди斯顿нинг турли шаҳарларида Шукруллохон ҳамроҳлигида ўтган.

Шукруллохон Аврангзеб томонидан Дехлига чақирилиб, унга юқори лавозим берилганидан сўнг, Бедил ҳам Дехлига кўчиб ўтган ва умрининг охирига қадар шу ерда яшаган.

Бедил мураккаб сиёсий ва иқтисодий шароитда яшаб, ижод қилган ва 77 йиллик умри давомида 11 та подшоҳнинг ҳукмронлигини кўрган. У сермаҳсул адаб ва файласуф бўлиб, ўзидан бой ижодий мерос қолдирган. Бедилнинг ижодий меросида 65 минг байтлик назм асарлари ва тахминан 50 чоп қилинган наср асарлари мавжуд. Унинг асосий асарлари 1882 йилда Бомбейда нашр этилган “Куллиёт” тўпламида жамланган [7]. Унга “Дебоча”, “Ирфон”, “Тури маърифат”, “Нукот”, “Ишорот ва ҳикоёт”, “Руқаот”, “Чор унсур”, “Муҳити аъзам”, “Тилисми ҳайрат”, “Ғазалиёт”, “Рубоиёт”, “Қасоид”, “Қитъаот”, “Таркибот ва таржеот”, “Ташбеҳот ва тамсилот” каби асарлари киритилган. Шунингдек, унинг қўллэзма асарлари Марказий Осиёдаги шахсий китобхоналарда сақланиб қолган.

Бедилнинг асарлари турли мавзуларни қамраб олган. Унинг 1669 йилда яратилган “Тилисми ҳайрат” маснавий шаклда бўлиб, 3750 байтдан иборат [8]. Асар инсоннинг тана ва руҳи ўртасидаги муносабатни тасвиrlайди. Бедил инсон руҳини қудратли подшоҳга қиёслаб, унинг муқаддас оламдан тушиб, олов, сув ва шамол асосидаги мамлакатни бошқаришини баён қилган.

Асада маърифатнинг ўзгача талаби ва шарти кўтарилиб, Бедил ўзининг устозлари таълимоти ва илгари таъсирида бўлган Шоҳ Кобулий қарашларини рад этган. Унинг фикрига кўра, ҳар қандай ақиданинг моҳияти инсон онгига боғлиқ бўлиб, уларнинг асоси реал оламда мавжуд эмас [9]. Инсон ўз тушунчалари даражасига қараб, мавжуд бўлмаган маъноларга “аломат” беради.

Гарчи асарда инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолатлари тасаввувф атамалари билан ифодаланган бўлса-да, Бедилнинг тарбиявий ва ахлоқий ғоялари кўпроқ кўзга ташланади. У инсон маънавияти ва ҳақиқий онглиликка эътибор қаратишни муҳим деб билади.

“Муҳити аъзам” (1681) Бедилнинг машҳур маснавий асарларидан бири бўлиб, “Шоҳнома” вазнида ёзилган ва тахминан 4500 байтни ташкил этади. Асар мазмуни тасаввувф аҳлининг ҳаётига оид ҳикоялардан иборат бўлиб, шоирнинг олам яратилишига доир фалсафий қарашлари мисоллар воситасида санъаткорона баён этилган.

Бедил бу асарида илк бор бадиий тасвирида тажрибанинг ўрни ва аҳамиятини кўтариб чиққан. У ҳикоялар орқали нафақат инсон маънавиятини чуқур тадқиқ қилган, балки ҳаёт ва оламнинг фалсафий моҳиятини ўзига хос тарзда талқин этган. Асар нафақат мазмуний, балки бадиий жиҳатдан ҳам ўзига хос бўлиб, тасаввувий адабиётнинг энг муҳим намуналаридан бири ҳисобланади.

Бедилнинг “Тури маърифат” (1687) маснавий асари 1500 байтдан иборат бўлиб, “Тилисми ҳайрат” вазнида ёзилган ва Шукруллохонга бағишлиланган. Асарда Банголага қарашли Байрот тоғининг шодон ва бой табиати, шунингдек, табиий бойликлари усталик билан тасвирланган.

Бедил Байрот тоғини Мусо пайғамбарнинг “Тури Сино” сига қиёслаб, уни янгича талқин билан тасвирлайди. У қайд этади, агар Тури Сино “илоҳий нурнинг тажаллийси” бўлса, Байрот тоғи “маърифатнинг тажаллийси” ҳисобланади. Асар фалсафий ва маърифий мазмунуга эга бўлиб, Бедилнинг табиат ва маънавиятга чуқур муносабатини ифода этади. Унинг бадиий тасвири жозибадорлиги билан ўқувчини ҳайратда қолдиради.

**Таҳлил ва натижалар.** Бедилнинг дунёқараси “сухан” ғояси атрофида кечади. Инсон шахсияти “сухан” (яъни тил) ҳодисаси билан чамбарчас боғлиқ ва барча эркинлик ҳамда озодлик айнан шу орқали амалга оширилади. “Сухан” субъектив ва объектив ўлчамларга эга: объектив дунёда у нутқ, матн, ижодий ёзиш ва мулоқот шаклида намоён бўлади. Бошқа томондан, “сухан” субъектив ёки барча нарсани қамраб оладиган шаклда ҳам ўзини ифодалайди. Шу боис, ҳис, фикр ва тасаввур орқали мавжудликка эга бўлган ҳар бир нарса “сухан” доирасига киради. Ҳатто, Бедил сукутни ҳам тилнинг бир кўриниши сифатида кўради.

Бедилнинг “сухан” (тил) ҳақидаги лингвистик ғояси уни ҳаёт маъносини излаш йўлига олиб боради. Унинг фикрича, ҳақиқат ёки воқелик билан боғлиқ маънони топиш ёки кашф қилиш мумкин эмас, чунки уларга таянчлилик ёки мажбурият тушунчалари тегишли эмас. Гулларни узиб бўлмаганидек, маънони ҳам белгилаш ёки тўлиқ англаш мумкин эмас. Бу фикрни тушунтириш мақсадида Шир Али Хон Лудий ўзининг “Тазкира-и Миръат ал-хаёл” асарида Бедил ва унинг замондош шоири Носир Али Сирҳиндий ўртасида содир бўлган воқеани ҳикоя қиласи:

“Бир куни Наввоб Шукр Аллоҳ Хоннинг адабий мажлисида Бедил ва Носир Али Сирҳиндий учрашишади. Носир Али Бедилнинг бир ғазалидаги бошланғич байтни таҳлил қилиб, ундаги грамматик қоида бузилганини таъкидлайди. У сўз маънони ўзидан келиб чиқаришини айтади: ҳар сафар сўз пайдо бўлса, маъно ҳам пайдо бўлади. Бедил қулиб, Носир Алига шундай дейди: сиз сўздан келиб чиққан деб ҳисоблайдиган

маънонинг ўзи ҳам фақат бир сўздир. Яъни маъно деган тушунча ҳеч қандай сўз орқали тўлиқ англаб бўлмайди. Инсоннинг ўзини англаш ҳақиқати мисолида олайлик: китобларда қанча тафсилотлар ва шарҳлар берилмасин, ўзлик ҳақиқий маъносини тўлиқ очиб бермайди. Бу фикрдан сўнг, Носир Али сукут сақлаган” [10].

Бу воқеа Бедилнинг маъно ҳақидаги чуқур ва фалсафий қарашларини янада ёрқин кўрсатиб беради. Бедилнинг “бизнинг маълум бир сўз маъноси деб ҳисоблаганимиз ҳам бошқа бир сўздир” деган жавоби маънонинг ўзига хос хусусиятини акс эттиради. Шу каби, инсон ўзлигининг моҳиятини ҳам сўзлар орқали тўлиқ очиб бўлмайди, чунки маънони тушуниш ўқувчининг герменевтик ёндашувига боғлиқ [11]. Шу сабабли, муайян маъно ҳақида қатъий ёки якуний фикр билдириш мумкин эмас.

Бедилнинг маъно тушунчаси қадимги Ҳинд донолиги ва постмодерн тил назарияси билан қизиқарли ўхшашликка эга. Фердинанд де Соссюр сингари, Бедил ҳам белгилар ва уларнинг ифода қилиш элементларини таъкидлайди: “Ҳеч нарса белги бўлмасдан тасвирланмайди”. Бедилга кўра, ҳамма нарса маънодан бошланади ва маъно билан якунланади, у эса ҳар доим янги ва оригинал бўлиши лозим.

Бедилнинг фикрлари маънонинг ўзгарувчанлиги ва унинг сўзлар орқали узлуксиз қайта қурилиши ғояларини чуқур ифода этади. Унинг қарашлари маънонинг мутлақ эмаслигини, балки унинг доимий ўзгарувчанлигини таъкидлайди, бу эса жуда ҳам замонавий қарашлар билан уйғун.

#### **Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиласиган бўлсак:

Бедил форсий шеърият анъаналарини ривожлантириб, уни фалсафий ғоялар билан бойитган. У маънавият ва онглиликка алоҳида эътибор қаратиб, инсон руҳи, табиат ва олам ҳақидаги фалсафий қарашларини адабий асарларида акс эттирган;

Бедилнинг фалсафий дунёқараши тасаввуф, ҳинд ва ислом фалсафаси таъсирида шаклланган. У онглиликни маърифат асоси сифатида кўриб, инсоннинг руҳий-онгли тараққиётини алоҳида таъкидлаган. “Сухан” (тил) ғояси орқали инсон ва оламнинг ўзаро боғлиқлигини санъаткорона ифода этган;

Бедил турли олимлар ва шоирлар билан мулоқот қилиб, уларнинг қарашларидан фойдаланган. У ҳинд фалсафасининг “Упанишада”, “Махабҳарата” каби асарларини ўрганиб, уларни ўз ижодий қарашларига мослаштирган;

Бедил тасаввуфий қарашлар асосида инсон руҳияти ва моддий дунё муносабатларини тадқиқ этган. У Шоҳ Кобулий тариқатининг айрим қоидаларини танқид қилиб, онглиликка асосланган фалсафий тушунчаларни илгари сурган.

#### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Мухаммад К. Притч в стихах Мирзо Бедиля //Вестник Педагогического университета. – 2022. – №. 2 (97). – С. 152-157.
2. Сайдчаъфаров О. Ш. Ибороти мустаори изофӣ ё истиороти киной дар ашъори Бедил //Вестник Бохтарского государственного университета имени Носира Хусрава. Серия гуманитарных и экономических наук. Учредители: Бохтарский государственный университет имени Носира Хусрава. – С. 5-10.
3. Siddiqi M. M. An examination of the indo-persian mystical poet Mirza'abduл Qadir Bedil with particular reference to his chief work'irfan : дис. – University of California, Berkeley, 1975.

4. Rizvi S., Keshavmurthy P. Introduction: Framing Bedil, Arguing the Indo-Persian Self //Journal of South Asian Intellectual History. – 2020. – Т. 2. – №. 1. – С. 3-12.
5. Mikkelsen J. Flights of imagination: Avicenna's Phoenix ('Anqā) and Bedil's figuration for the lyric self //Journal of South Asian Intellectual History. – 2020. – Т. 2. – №. 1. – С. 28-72.
6. Kovacs H. Challenges of and Strategies for Translating Indo-Persian Poetry and Prose: The Case of Bedil (1644–1720) //The Routledge Handbook of Persian Literary Translation. – Routledge, 2022. – С. 110-130.
7. Pellò S. et al. Persian Poets on the Streets: The Lore of Indo-Persian Poetic Circles in Late Mughal India //Tellings and Texts: Music, Literature and Performance Cultures in North India. – Open Book Publishers, 2015. – С. 303-325.
8. Мухаммадиева О. Бедил ва ахлоқий қадриятлар фалсафаси. – Yangi nashr, 2016.
9. Ризаев И. И., Муминова З. О. Профессиональная подготовка личности: оздоровление и духовное воспитание //Система менеджмента качества в вузе: здоровье, образованность, конкурентоспособность. – 2021. – С. 264-268.
10. Tabor N. L. M. Heartless Acts //Comparative Studies of South Asia, Africa and the Middle East. – 2019. – Т. 39. – №. 1.
11. Кушаков Ш. С. Проблема духовного в теологии и философии мусульманского Востока //Исламская культура и мировая цивилизация/под ред. Да Гущина, ЮН Солонина, М. Санай. СПб. – 2001.
12. Тураев Б. О., Ризаев И. И. Философия искусственного интеллекта: возможности человеческого познания //Цифровая трансформация образования: современное состояние и перспективы. – 2022. – С. 194-196.

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*N<sup>o</sup> S/10 (4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).